



**«Бас, Аллоҳ уларга бу дунё савобини ва охиратнинг гўзал савобини берди. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир»,** деган (148-оят).

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

أَعْيَمَسُ هَلْ لَانَكَ وَرَحَّآلْ أَوْ أَيْنُ دَلْ أَوْ ثَلْ لَلْ أَدْنَعَفْ أَيْنُ دَلْ أَوْ ثَلْ دِي رِي نَ أَكَ نَمَّ  
أَرِي صَبَّ

**«Ким дунё савобини истаса, бас, дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам савоби Аллоҳнинг ҳузуридадир»,** деган (134-оят).

Шунингдек, Қуръони Карим оятларида Аллоҳ таоло гуноҳкор бандаларига иқоб бериши ҳақида такрор-такрор таъкидланади. Иқоб банданинг бу дунёда қилган гуноҳларининг жазосидир.

Аллоҳ таоло Сод сурасида:

بِأَقْعٍ قَحَّفَ لُسْرُلْ بَدَّكَ أَلْ أَلْ كُنْ نَ

**«Барчалари, албатта, расулларни ёлғончига чиқардилар. Бас, иқобим ҳақ бўлди»,** деган (14-оят).

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида:

مَيْلُ أِبَاقِعٍ وَدَوْرَةَ رَفْعَمَ وَدَلَّ كَبَّرُ نَ إِنْ كَلْبَقِ نَمَّ لُسْرُلْ لَيْ قَدَقَ أَمَّ أَلْ كَلْ لَأُقِي أَمَّ

**«Албатта, Роббинг мағфират эгасидир ва аламли азоб эгасидир»,** деган (43-оят).

Мукофот ёки жазо амалга қараб бўлади.

Қуръони Карим оятларини ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини тааммул қиладиган бўлсак, савоб ҳам, иқоб ҳам амалга қараб берилиши умумий қоида эканини кўраимиз.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида:

نَوَّلَمَّ عَتْمُتْ نُنْكَ أَمَّ بَأَهْ وَمُتْ ثَرُوْ أَيْتْ لَأَنْ جَلْ كَلْتَو

**«Мана шу - қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизга мерос қилиб берилган жаннатдир»,** деган (72-оят).

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида:

أَمْ بِنِعْمَةِ الْجَلِيلِ أُولَئِكَ لَا يَتَذَكَّرُونَ أُولَئِكَ يَنْهَوْنَ عَنِ الْمَعْرُوفِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُنكَرُونَ

**«Фаришталар уларнинг жонларини пок ҳолларида ола туриб: «Сизларга салом бўлсин! Қилиб юрган амалларингиз туфайли жаннатга кириш!» дерлар», деган (32-оят).**

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида:

أَمْ يَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ أَمْ يَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ

**«Энг гўзал исмлар Аллоҳникидир. Бас, Унга улар ила дуо қилинг ва Унинг исмларида оғадиганларни тек қўяверинг. Тезда қилган амалларининг жазосини олурлар», деган (180-оят).**

Аллоҳ таоло Сажда сурасида:

أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ

**«Қилиб ўтган амалларингиз туфайли мангу азобни тотинг!» деган (14-оят).**

Шу суранинг давомида яна:

أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ

أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ أَمْ تَنْتَظِرُونَ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ

**«Ахир мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одам каби бўлурми?! Тенг бўлмаслар. Аммо иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга, албатта, уларга қилиб ўтган амаллари учун зиёфат ўлароқ, жаннатул маъво бор. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари оловдир. Ҳар сафар ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган оловнинг азобини тотинг», дейилур», деган (18-20-оятлар).**

Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам кишиларга савоб ёки иқоб бериш, уларни жаннат ёки дўзахга киритиш амалларга боғлаб қўйилганини кўрамиз.

*(Давоми бор)*

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**